# Маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг чегараланган СТАВКАЛАРИ

| *N* | *Солиқлар ва йиғимларнинг турлари* | *Чегараланган ставкалар* |
|---|---|---|
| 1 | Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи | соф фойданинг 8%и |
| 2 | Қуйидагиларнинг истеъмоли учун ундириладиган солиқ*: | |
| | транспорт воситалари учун бензин | 1 литр учун 335 сўм / 1 тонна учун 445 000 сўм** |
| | транспорт воситалари учун дизель ёқилғиси | 1 литр учун 335 сўм / 1 тонна учун 407 025 сўм** |
| | транспорт воситалари учун суюлтирилган газ | 1 литр учун 230 сўм |
| | транспорт воситалари учун сиқилган газ | 1 куб метр учун 275 сўм |
| 3 | Айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим***: | |
| | алкоголли маҳсулотлар, шу жумладан, умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкоголли маҳсулотларнинг реализация қилиниши | 1 ойлик савдо учун энг кам иш ҳақининг 5 баравари |
| | қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмлар | 1 ойлик савдо учун энг кам иш ҳақининг 3,5 баравари |
| 4 | Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим**** | ҳар бир ой учун энг кам иш ҳақининг 8 баравари |

**) Кўрсатиб ўтилган ставкалар миқдорлари Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона ҳисобланади. Транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига солиқ ставкаларининг қайта ишлашга берилган бензин ва дизель ёқилғиси бўйича миқдорлари транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига солиқни ҳисобга олган ҳолда бензин ва дизель ёқилғисига чакана нархлар доирасида шакллантирилади. Воситачилик шартномалари бўйича импорт қилинадиган қайта ишлашга берилган хом ашё асосида ишлаб чиқариладиган бензин ва дизель ёқилғиси ҳажми бўйича тўловчилар, транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади.*

***) Автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари орқали бензин ва дизель ёқилғиси сотишда транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмоли учун ундириладиган солиқ 1 литр ҳисобидан келиб чиқиб ҳисобланади, бошқа ҳолларда 1 тонна ҳисобидан келиб чиқиб ҳисобланади.*

****) Йиғим ягона ҳисобварақққа келиб тушиб, маблағлар кейин қонун ҳужжатларига мувофиқ қуйидагича тақсимланади:*

*алкоголли маҳсулот бўйича - бюджет билан "бир дарча" қоидаси бўйича тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатувчи ягона марказ ўртасида;*

*қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмлар бўйича - бюджет билан шаҳар ва туман ҳокимликларининг бюджетдан ташқари (махсус) ҳисобварақлари, Тошкент шаҳрида эса - Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти ўртасида.*

*****) Тошкент шаҳрида йиғим миқдори энг кам иш ҳақининг 5 баравари, вилоят марказларида - энг кам иш ҳақининг 3 баравари, бошқа аҳоли пунктларида - энг кам иш ҳақининг 2 баравари миқдоридан кам бўлмаслиги керак.*

## **Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ СТАВКАЛАРИ**

| *N* | *Солиқ солинадиган объектларнинг номи* | *Солиқ ставкаси, мол-мулкнинг инвентаризация қийматига нисбатан %да** |
|---|---|---|
| 1 | Турар жойлар, квартиралар (бундан умумий майдони 200 кв.м дан ошиқ бўлганлари мустасно), дала ҳовли қурилмалари, гаражлар ва бошқа иморатлар, хоналар ва иншоотлар | 1,5 |
| 2 | Шаҳарларда жойлашган, умумий майдони қуйидагича бўлган турар жойлар ва квартиралар: | |
| | 200 кв.м дан ошиқ ва 500 кв.м гача бўлган | 1,8 |
| | 500 кв.м дан ошиқ бўлган | 2,5 |
| 3 | Бошқа аҳоли пунктларида жойлашган, умумий майдони 200 кв.метр дан ошиқ бўлган турар жойлар ва квартиралар | 1,8 |

**) Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш мақсадида мол-мулкнинг инвентаризация қиймати кадастр ҳужжатларидан келиб чиқиб белгиланади, бироқ 3 000 минг сўмдан кам бўлмаслиги керак.*

***Изоҳлар:***

*1. Жисмоний шахслар мол-мулкини баҳолаш бўйича органлар белгилаган инвентаризация қиймати бўлмаса, солиқ ундириш учун Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида 20 328,0 минг сўм, бошқа шаҳарлар ва қишлоқ жойларда - 8 833,0 минг сўм миқдорида мол-мулкнинг шартли қиймати қабул қилинади.*

*Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларда белгиланган тартибда рўйхатга олинмаган янги қурилган турар жойлар бўйича жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ мол-мулк шартли қийматининг икки баравари миқдоридан келиб чиқиб ундирилади.*

*2. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган айрим тоифадаги жисмоний шахслар учун мол-мулк солиғи бўйича имтиёзларни қўллаш мақсадида солиқ солинмайдиган майдон умумий майдоннинг 60 кв.м ҳажмида белгиланади.*

*3. Жисмоний шахслар томонидан солиқ солинадиган объектлардан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланилганда ёхуд улар юридик шахсларга ёки якка тартибдаги тадбиркорларга ижарага берилганда, шунингдек жисмоний шахслар томонидан турар жой фонди объектлари нотурар жой фонди тоифасига ўтказилганда ёки улар томонидан нотурар жой фонди объектлари (бинолар, бинодаги хоналар) мулк сифатида харид қилинганда жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ юридик шахслар учун белгиланган ставка бўйича тўланади.*

**Якка тартибдаги тадбиркорлардан олинадиган қатъий белгиланган солиқ**
# СТАВКАЛАРИ

| *N* | *Фаолият тури* | *Қатъий белгиланган солиқнинг бир ойдаги ставкаси (энг кам иш ҳақига каррали миқдорларда)* | | |
|---|---|---|---|---|
| | | *Тошкент шаҳри* | *Нукус ш. ва вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар* | *бошқа аҳоли пунктлари* |
| 1 | Чакана савдо: | | | |
| | озиқ-овқат товарлари билан | 9,0 | 6,0 | 3,0 |
| | деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан* | 5,0 | 4,0 | 2,0 |
| | ноозиқ-овқат товарлари билан | 10,0 | 6,5 | 3,0 |
| | газеталар, журналлар ва китоб маҳсулотлари билан | 5,0 | 3,0 | 0,5 |
| | озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари билан (турғун шохобчалардаги аралаш савдо) | 10,0 | 6,5 | 3,0 |
| 2 | Маиший хизматлар | 3,5 | 1,5 | 0,5 |
| 3 | Ўз маҳсулотини ишлаб чиқариш ва сотиш, шу жумладан, миллий ширинликлар ва нон-булка маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиш, шунингдек уй шароитларида ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарори билан махсус ажратилган жойларда ўтириш жойлари ташкил қилмасдан доналаб сотиладиган овқатларнинг айрим турларини тайёрлаш ва сотиш | 2,0 | 1,5 | 1,0 |
| 4 | Бошқа фаолият турлари | 2,0 | 1,5 | 1,0 |
| 5 | Автомобиль транспортида юк ташишга оид хизматлар: | | | |
| | 3 тоннагача юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун | 2,0 | | |
| | 8 тоннагача юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун | 3,0 | | |
| | 8 тоннадан ортиқ юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун | 4,0 | | |

# Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ
# СТАВКАСИ

| *N* | *Тўловчилар* | *Солиқ ставкаси, солиқ солинадиган базага нисбатан %да* |
|---|---|---|
| 1 | Юридик шахслар | 5 |
| 2 | Ўзи ишлаб чиқарган товарлар, ишлар, хизматлар экспортининг (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш жойидан қатъи назар) эркин алмаштириладиган валютадаги улуши қуйидаги миқдорларни ташкил этадиган корхоналар учун, бундан рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сон Фармони билан тасдиқланган хом ашё товарлари мустасно*: | |
| | сотишнинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгача | белгиланган ставка 30%га пасайтирилади |
| | сотишнинг умумий ҳажмида 30 фоиз ва ундан юқори | белгиланган ставка 50%га пасайтирилади |

**) Белгиланган (меъёрий) муддатларда ишга туширилмаган ускуналар ва тугалланмаган қурилиш қийматига пасайтирилган ставкалар қўлланилмайди.*

***Изоҳлар**:*

*Меъёрий муддатларда ўрнатилмаган ускуналар учун мол-мулк солиғи икки баравар ставкада тўланади.*

*"САР" авиакомпанияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича модернизациялашдан ўтган аэропортлар юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни 5 йил мобайнида юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкасига 0,4 пасайтирувчи коэффициентни қўллаган ҳолда тўлайдилар.*

# Юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи СТАВКАЛАРИ

**1-жадвал**. Суғориладиган жамоат қишлоқ хўжалик ерлари учун ундириладиган ер солиғининг базавий ставкалари. Суғориладиган жамоат қишлоқ хўжалик ерлари учун ундириладиган ер солиғининг базавий ставкаларига тузатувчи коэффициентлар

## 1.1. Суғориладиган жамоат қишлоқ хўжалик ерлари учун ундириладиган ер солиғининг базавий ставкалари

| *Туман, шаҳар* | *1-тоифали 1 га ер учун солиқнинг базавий ставкалари, сўмда* |
|---|---|
| ***Мингбулоқ*** | ***11 744,0*** |
| ***Косонсой*** | ***19 788,1*** |
| ***Наманган*** | ***20 422,5*** |
| ***Норин*** | ***18 809,0*** |
| ***Поп*** | ***16 075,0*** |
| ***Тўрақўрғон*** | ***17 189,1*** |

| *Туман, шаҳар* | *1-тоифали 1 га ер учун солиқнинг базавий ставкалари, сўмда* |
|---|---|
| ***Уйчи*** | ***18 972,1*** |
| ***Учқўрғон*** | ***18 809,0*** |
| ***Чортоқ*** | ***16 075,0*** |
| ***Чуст*** | ***15 740,3*** |
| ***Янгиқўрғон*** | ***16 075,0*** |
| | |

## 1.2. Суғориладиган жамоат қишлоқ хўжалик ерлари учун ундириладиган ер солиғининг базавий ставкаларига тузатувчи коэффициентлар

| *Ерларнинг тоифалари* | *Балл-бонитет* | *Коэффициентлар* |
|---|---|---|
| I | 0-10 | (базавий ставка) |
| II | 11-20 | 1,50 |
| III | 21-30 | 2,25 |
| IV | 31-40 | 3,29 |
| V | 41-50 | 4,67 |
| VI | 51-60 | 6,78 |
| VII | 61-70 | 9,00 |
| VIII | 71-80 | 11,68 |
| IX | 81-90 | 14,36 |
| X | 91-100 | 17,50 |

| | Баҳоланмаган ерлар | 4,67 |
|---|---|---|

***Изоҳ:***

*Суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари учун ундириладиган ер солиғи ставкаси суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари учун ер солиғининг базавий ставкаси ва ер участкасининг сифат характеристикаси (балл-бонитети)ни ҳисобга оладиган тузатиш коэффициентларидан келиб чиқиб аниқланади.*

## 2-жадвал. Лалми экинзорлар, бўз ерлар ва кўп йиллик кўчатлар учун ундириладиган ер солиғи СТАВКАЛАРИ

| *Вилоят* | *1 га учун ер солиғининг зоналар бўйича ставкалари, сўмда* | | |
|---|---|---|---|
| | *текислик (ёғингарчиликлар билан таъминланмаган) зонаси* | *Адир (ёғингарчиликлар билан кам таъминланган) зонаси* | *тоғ олди ва тоғлик (ёғингарчиликлар билан таъминланган) зона* |
| Наманган | 2 103,6 | 2 403,2 | 2 994,5 |

## 3-жадвал. Суғорилмайдиган пичанзорлар ва яйловлар учун ундириладиган ер солиғи СТАВКАЛАРИ

| *Республика, вилоят* | *1 га учун ер солиғининг баландлик минтақалари бўйича ставкалари, сўмда* | | |
|---|---|---|---|
| | *Чўл* | *Адир* | *Тоғ* |
| Наманган | 428,5 | 596,9 | 783,7 |

## 4. Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлар учун ундириладиган ер солиғи СТАВКАЛАРИ

| *Республика, вилоят* | *1 га учун ер солиғининг ставкалари, сўмда* | | |
|---|---|---|---|
| | *сув ҳавзалари, каналлар, коллекторлар, йўллар* | *жамоат қурилмалари ва ҳовлилари* | *қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлар* |
| Наманган | 583,5 | 308 300,5 | 58,7 |

## 6-жадвал. Шаҳарлар ва шаҳарчаларда ер участкаларидан фойдаланганлик учун ер солиғи СТАВКАЛАРИ

| *Шаҳар, вилоят* | *Юридик шахслардан ундириладиган ер солиғи ставкалари, 1 га учун, сўмда* | | | | *Якка тартибда уй-жой қуришга бериладиган ерлар учун фуқаролардан ундириладиган ер солиғининг базавий ставкалари, 1 кв.м учун, сўмда* | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | *1-зона* | *2-зона* | *3-зона* | *4-зона* | *1-зона* | *2-зона* | *3-зона* | *4-зона* |
| **1** | **2** | **3** | **4** | **5** | **6** | **7** | **8** | **9** |
| Косонсой | 10 336 248 | 8 821 865 | 7 307 481 | | 92,2 | 80,1 | 67,9 | |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Наманган | 17 247 949 | 16 158 834 | 15 069 720 | 13 980 605 | 155,2 | 146,0 | 137,0 | 127,8 |
| Учқўрғон | 10 336 248 | 8 821 865 | 7 307 481 | | 92,2 | 80,1 | 67,9 | |
| Ҳаққулобод | 10 336 248 | 8 821 865 | 7 307 481 | | 92,2 | 80,1 | 67,9 | |
| Чортоқ | 10 336 248 | 8 821 865 | 7 307 481 | | 92,2 | 80,1 | 67,9 | |
| Чуст | 10 336 248 | 8 821 865 | 7 307 481 | | 92,2 | 80,1 | 67,9 | |
| **Бошқа кичик шаҳарлар** | | | | | | | | |
| Наманган вилояти | 10 336 248 | 8 821 865 | 7 307 481 | | 92,2 | 80,1 | 67,9 | |
| **Туман марказлари ҳисобланган шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пунктлари** | | | | | | | | |
| Наманган вилояти | 8 821 865 | 7 307 481 | | | 80,1 | 67,9 | | |

## 7-жадвал. Қишлоқ жойларда жойлашган ер участкаларидан фойдаланганлик учун юридик шахслардан ундириладиган ер солиғи
## СТАВКАЛАРИ

| *Республика, вилоят* | *1 га учун ер солиғи ставкалари, сўмда:* | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | *юридик шахсларга ажратилган ерлар учун, зоналар бўйича* | | | *конлар ва карьерлар банд қилган ерлар учун, зоналар бўйича* | |
| | *суғориладиган* | | *лалмикор-яйлов* | *суғорила-диган* | *лалмикор-яйлов* |
| | *аҳоли пунктларида* | *аҳоли пунктларидан ташқарида* | | | |
| Наманган вилояти | 5 190 007 | 4 963 811 | 251 333 | 1 533 186 | 75 422 |

## 8-жадвал. Қишлоқ жойларда жойлашган ер участкаларидан фойдаланганлик учун фуқаролардан ундириладиган ер солиғи
## СТАВКАЛАРИ

| *Республика, вилоят* | *0,01 га учун ер солиғи ставкалари, сўмда:* | | | |
|---|---|---|---|---|
| | *деҳқон хўжалигини юритишга берилган ерлар учун* | | | *жамоа боғдорчилиги ва полизчилигини юритишга берилган ерлар учун* |
| | *суғориладиган зона* | | *лалми ерлар* | |
| | *аҳоли пунктларида* | *аҳоли пунктларидан ташқарида* | | |
| Наманган вилояти | 4 726,4 | 2 363,8 | 468,8 | 1 813,6 |

***20-иловага изоҳлар:***

*1. 7 ва 8-жадвалларда келтирилган ставкаларга ер участкаларининг жойлашиш жойига боғлиқ ҳолда қуйидаги коэффициентлар қўлланилади: Тошкент шаҳри атрофида 20 км лик айланада - 1,30, Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти ва вилоят марказлари атрофида 15 км лик айланада - 1,20, туман марказлари атрофида 10 км лик айланада - 1,15, бошқа шаҳарлар атрофида 5 км лик айланада - 1,10.*

*Ер участкаларигача бўлган масофа автомобиль йўллари бўйича щаҳарлар ва туман марказларининг маъмурий чегараларидан бошлаб белгиланади. Агар ер участкаси икки шаҳар яқинида жойлашган бўлса, шаҳарнинг юқорироқ функционал вазифасига мувофиқ келадиган коэффициент қўлланилади.*

*2. Деҳқон хўжаликларидан ундириладиган ер солиғини ҳисоблаб чиқариш чоғида 8-жадвалда келтирилган ставкаларга, ер сифатига боғлиқ ҳолда, қуйидаги коэффициентлар қўлланилади: тупроқ бонитети 40 баллгача бўлса - 0,75, 41 дан 70 баллгача бўлса - 1,0 ва 70 баллдан ортиқ бўлса - 1,25.*

*3. Ўрмон хўжаликларида молларни ўтлатиш учун фойдаланилмайдиган яйлов ерлар учун ер солиғи бошқа ерлар учун ставкалар бўйича тўланади.*

*4. Шаҳар ва шаҳарчаларнинг маъмурий чегараларида жойлашган кон ва карьерлар банд этган ерлар учун солиқ 5 ва 6-жадвалларда тегишли зоналар учун келтирилган ставкаларга 0,1 коэффициентини қўллаган ҳолда тўланади.*

*5. Жисмоний шахсларга тадбиркорлик фаолияти учун берилган ер участкаларидан солиқ юридик шахслар учун тасдиқланган ставкалар бўйича ундирилади.*

*6. Жамоавий ва шахсий гаражлар банд этган ер участкалари учун жисмоний шахслардан солиқ якка тартибдаги уй-жой қуриладиган ерлар учун тасдиқланган ставкалар бўйича ундирилади.*

*7. Жисмоний шахслардан ундириладиган ер солиғини ҳисоблаб чиқаришда 5 ва 6-жадвалларда келтирилган базавий ставкалар белгиланган нормативлар доирасида ер участкаларига нисбатан қўлланади, белгиланган нормативлардан юқори ер участкалари учун базавий ставкаларга эса оширувчи коэффициент - 1,5 қўлланади.*

*Жисмоний шахслардан ундириладиган ер солиғини ҳисоблаб чиқариш мақсадида ер участкаларининг қуйидаги нормативлари қўлланади:*

*Тошкент ш., Нукус ш. ва вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар - 0,06 га;*

*бошқа аҳоли пунктлари (деҳқон хўжаликлари бундан мустасно) - 0,1 га.*

## Ягона ер солиғи
## СТАВКАСИ

| ***Тўловчилар*** | ***Норматив қийматга нисбатан ставка, фоизларда*** |
|---|---|
| Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари | 0,95 |

***Изоҳ:***

*Ҳар бир хўжалик бўйича қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қиймати Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг "Ўздаверлойиҳа" Ўзбекистон давлат илмий-лойиҳа институти томонидан белгиланади.*

## Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун (савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан ташқари) ягона солиқ тўлови
## СТАВКАЛАРИ

| ***N*** | ***Тўловчилар*** | ***Солиқ ставкалари, солиқ солинадиган базага нисбатан %да*** |
|---|---|---|
| 1 | Иқтисодиётнинг барча тармоқлари корхоналари, 2 - 7-бандларда кўрсатиб ўтилганларидан ташқари | 5* |
| 2 | Божхона расмийлаштируви бўйича хизматларни кўрсатадиган юридик шахслар (божхона брокерлари) | 5 |
| 3 | Ломбардлар | 30 |
| 4 | Гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган юридик ва жисмоний шахсларни (шу жумладан, | 30 |

| | | |
|---|---|---|
| | норезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад оладиган корхоналар | |
| 5 | Тайёрлов ташкилотлари, брокерлик идоралари (6-бандда кўрсатилганларидан ташқари), шунингдек воситачилик, топшириқ ва бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатадиган корхоналар | 33** |
| 6 | Қимматли қоғозлар бозорида брокерлик фаолиятини амалга оширадиган корхоналар | 13** |
| 7 | Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини реализация қилиш учун турғун савдо шохобчаларини ижарага беришга ихтисослашган корхоналар (ижарага беришдан олинган даромадлар 60%дан кўпни ташкил этади) | 30 |
| 8 | Ўзи ишлаб чиқарган товарлар, ишлар, хизматлар экспортининг (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш жойидан қатъи назар) эркин алмаштириладиган валютадаги улуши қуйидаги миқдорларни ташкил этадиган корхоналар учун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сон Фармони билан тасдиқланган рўйхатда келтирилган хом ашё товарлари бундан мустасно: | |
| | сотишнинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгача | белгиланган ставка 30%га пасайтирилади |
| | сотишнинг умумий ҳажмида 30 фоиз ва ундан кўп | белгиланган ставка 50%га пасайтирилади |

**) Мол-мулкини молиявий ижара (лизинг)га берадиган корхоналар учун - молиявий ижара (лизинг) бўйича фоизли даромад суммаси.*

***) Ҳақ суммаси (ялпи даромад).*

## Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, шу жумладан, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг СТАВКАЛАРИ

| *N* | *Тўловчилар* | *Солиқ ставкалари, солиқ солинадиган базага нисбатан %да* |
|---|---|---|
| 1 | Умумий овқатланиш корхоналари | 10 |
| | улардан: | |
| | умумий таълим мактаблари, мактаб-интернатлар, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий ўқув юртларига хизмат кўрсатувчи ихтисослашган умумий овқатланиш корхоналари | 8 |
| 2 | Чакана савдо корхоналари, 3 ва 4-бандларда кўрсатилганларидан ташқари: | |
| 2.1 | қуйидаги жойларда жойлашган: | |
| | аҳолиси сони 100 минг ва ундан кўп кишидан иборат шаҳарларда | 4 |
| | бошқа аҳоли пунктларида | 2 |
| | бориш қийин бўлган ва тоғли ерларда | 1 |
| 2.2 | Жойлашган жойидан қатъи назар: | |
| | алкоголли маҳсулот, тамаки маҳсулоти, бензин, дизель ёқилғи ва суюлтирилган газ реализациясидан товар обороти бўйича | 4 |
| 3 | Улгуржи, шунингдек улгуржи-чакана савдо билан шуғулланувчи савдо корхоналари (4-бандда кўрсатилганларидан ташқари) | 5 |
| 4 | Улгуржи ва чакана дорихона ташкилотлари, қуйидаги жойларда жойлашган: | |

| | | |
|---|---|---|
| | аҳолиси сони 100 минг ва ундан кўп кишидан иборат шаҳарларда | 3 |
| | бошқа аҳоли пунктларида | 2 |
| | бориш қийин бўлган ва тоғли ерларда | 1 |

***Изоҳ:***

*Агар чакана савдо корхоналари мустақил юридик шахс ҳисобланмайдиган ва турли аҳоли пунктларида жойлашган, улар бўйича ягона солиқ тўловининг турли ставкалари белгиланган бир нечта савдо шохобчаларига эга бўлсалар, улар ҳар бир савдо шохобчаси бўйича товар оборотининг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритишлари ҳамда мазкур аҳоли пунктлари учун белгиланган ставкаларда ягона солиқ тўловини тўлашлари лозим.*

## Айрим тоифадаги корхоналар учун ягона солиқ тўлови СТАВКАСИ

| ***Тўловчилар*** | ***Солиқ ставкаси, солиқ солинадиган базага нисбатан %да*** |
|---|---|
| Лотереялар ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи корхоналар (мазкур фаолият тури доирасида) | 33 |